ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А. Исманова

Мақола ўрта махсус ўқув юртларида диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари масалаларига бағишланган. Профилактика ишларида замонавий методлар, шакл ва воситалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *профилактика, диний экстремизм, терроризм, веб-сайт, портал, слайд.*

Статья посвящена вопросам социально-педагогической профилактики религиозного экстремизма и терроризма в средне специальных учебных заведениях. Также даны рекомендации по использованию в профилактической работе современных методов, средств и форм.

Ключевые слова: *профилактика, религиозный экстремизм, терроризм, веб-сайт, портал, слайд.*

The article is devoted to the socio-pedagogical prevention of religious extremism and terrorism in the secondary specialized educational institutions. Recommendations are also given to use in the prevention work of modern methods, means and forms.

Key words: *prevention, religious extremism, terrorism, website portal, slide.*

“Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилиш, орзу қилиш эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли қудрат курашишимиз даркор” [1.280],– деди муҳтарам Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам бугун дунё нотинч. Ҳатто энг ривожланган давлатларда дин ниқобидаги экстремизм ва террористик ҳаракатлар авж олиб бормоқда.

“Гап халқаро террор хавфининг ўсиб бораётгани, диний экстремизм ва наркотрафикнинг тарқалиши, аниқроғи, кенг ёйилиши ҳақида кетар экан, ушбу кучлар жиноий тўдаларга хайрихоҳларни ва уларга қўшилаётганларни қандай ва қаердан ёллаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошқача айтганда, бунга олиб келадиган ижтимоий асосларни назардан қочирмаслик зарур” [2.235].

Биздаги маънавий-маърифий тадбирларнинг олдига қўйилаётган мақсадлар таҳлили уларда профилактик ёндашув, яъни хавфнинг олдини олиш, уни пайдо қилган омиллар сабабларини бартараф этишга қаратилмаганини кўриш мумкин. Масалан, тадбирларни ўтказишдан мақсад – ёшларнинг мафкуравий билим ва малакаларини ошириб, маънавиятли шахс сифатида тарбиялаш ҳамда мавжуд таҳдидлардан ҳимоялаш деб белгиланади.

Оммавий иш тажрибасини ўрганиш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактика тизими икки йўналишда – бевосита ва билвосита амалга оширилиши зарурлигини кўрсатди. Бевосита педагогик профилактика – ўсмирларга бевосита диний экстремизм ва терроризм мафкуралари таъсирининг олдини олиш. Бевосита педагогик профилактика таълим-тарбия, маънавий-маърифий, эътиқод доираларини ўз ичига олади.

Иккинчи йўналиш эса ўсмирларни диний экстремизм ва терроризм таъсирига олиб борувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсиридан ҳимоя қилишни кўзда тутиши зарур. У бевосита ишсизлик билан боғлиқдир. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да Ўзбекистон ўсмир-ёшларининг балоғат ёшига етганларида ишончли бир ёки икки касб эгаси бўлишлари кафолатланган. Кейинги вақтларда ушбу имкониятлар қонунчилик тартибида кенгайтирилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида цехлар, кичик ва хусусий корхоналар, сартарошхоналар, дўконлар, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган ширкатлар, фирмалар очиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунинг ҳисобига маҳаллаларда ҳудудда яшовчи фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф тоифалари учун қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида бандликка кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият кўрсатадиган аҳолини ишга жойлаштириш ва ижгимоий муҳофаза қилиш бўйича турғун пунктлар ташкил этилди. Бироқ айрим таълим муассасаларида ушбу шартнинг тўлиқ таъминланмагани, айниқса, ота-онанинг фарзанд тарбиясига лоқайдлиги ёшлар орасида ишсизлик муаммосининг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бу ҳақда социолог Ў.Қаюмов шундай маълумотларни беради: “Жорий меҳнат бозори маълумотларини таҳлил қилиш ёшларни иш билан таъминлаш ва улар орасидаги ишсизлик муаммоси айниқса қишлоқ жойларида сезиларли эканлигини кўрсатмоқда.

Охирги йилларда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хизматларда рўйхатга олинган ёшлар умумий сонининг 75-77 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Кўпчилик ёшлар, асосан, қишлоқ аҳолиси миграция йўли билан ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқарида иш қидиради. Текшириш маълумотларига кўра, асосан ёшлар (60,9%), энг аввало, юқори касбий маҳоратга ва малакага эга бўлмаган ёшлар ички миграция оқимларини ташкил қилади. Тошкент шаҳрига иш излаб келган сўраб чиқилган ёш ишчи мигрантларнинг ярмидан кўпи (55,2%) аввал иқтисодиётнинг расмий секторида бирор-бир доимий иш билан шуғулланмаган. Шаҳарнинг норасмий меҳнат бозорларида иш топишга ҳаракат қилаётган кишиларнинг тўртдан уч қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобланади” [3.41].

Тошкент ислом институтининг www.buxoriy.uz сайтида қуйидагиларни ўқиймиз: “Диний экстремизм томонидан қўлланилган яна бир ўзига хос услуб, бу – оқимни ҳар қандай сиёсатдан йироқ, динни ўргатувчи ҳамда унинг ташвишини қилувчи соф диний жамоа қилиб кўрсатганлигидир. Масалан, «акромий» жамоаси ўзининг асл мақсадини қаттиқ сир тутиб, гўё сиёсатга алоқаси бўлмаган «соф диний жамоа» қилиб кўрсатди. Бу жамоанинг фикрича, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш, ислом давлати қуриш каби гапларни гапириш шарт бўлмай, балки «*ҳаётдаги барча муаммоларнинг ечими Қуръон ва ҳадисда*», деб уқтирилса бас. Бу фикрдан «тўғри» хулосани одамлар ўзлари чиқариб олишларига бироз «*ёрдамлашилса*» етарли. Демак, бу ерда нафақат жамиятнинг баъзи қатламларидаги диний онгнинг

етарли эмаслиги, балки унга (яъни, динга) бўлган «илиқ» муносабатидан ҳам фойдаланилган.

Шунингдек, бундай бузғунчи оқимлар ислом давлати барпо этиш ниқоби остида турли экстремистик руҳдаги адабиёт, варақа, аудио-видео ва СД диск-лар тайёрлаб тарқатиши, махсус сайтлар очиши, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий ҳолатни танқид остига олиши, бўҳтон ва уйдирма гапларни тарқатиш каби услублардан ҳам фойдаланишган" [5].

Ана шу хавфларнинг олдини олиш мақсадида биз тажриба-синов коллежларида ўсмир ёшларда ўтиш даврида юз бераётган ўзгаришлар, уларни қийнаётган турли муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга педагогик-психологик кўмак бериш мақсадида коллеж психологи ҳузурида "Сирдошим" клуби фаолиятини ташкил қилдик. Ўқувчилар ўзлари қизиққан турли тўгаракларга жалб қилиниб, ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари коллежда "Аёллар ва қизлар маслаҳат маркази" ташкил этилди. Бу марказнинг вазифаси – руҳиятида ўзгариш кузатилаётган, оиласи ёки ўртоқлари билан муносабатида депрессия ва стресс холатига тушиб қолган қизлар билан якка тартибда суҳбатлар олиб бориш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, уларни оилавий турмушга тайёрлашдан иборат. Лекин кузатувларимиз олиб бораётган педагогик профилактик ишларимиз бир томонлама бўлиб, самараси кам бўлаётганини кўрсатди. Чунки биз педагоглар коллежда ўқувчи билан ишлаганимиздан сўнг, уйига борганида, оиладаги муҳит, айрим тушунмаган ота-онанинг тазйиғи болани яна ўша ҳолатига қайтариб қўймоқда.

Биз бу ҳодисани таълим муассасаси ва оила орасидаги "педагогик зиддият ҳодисаси" деб атадик. Ушбу зиддиятни бартараф этиш мақсадида ва педагогик-профилактиканинг самарали бўлиши учун оилалардаги муҳитни яхшилаш ва шундай муҳитнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган ота-оналар билан ҳам ижтимоий педагогик профилактика ишларини олиб бориш зарурати аниқланди. Мазкур муаммони ҳал қилишда маҳалла маслаҳатчиларининг роли катта. Бунинг учун уларни оилаларда педагогик профилактика олиб бориш методлари билан қуроллантиришнинг илмий-амалий чоралари амалга оширилди.

Коллеж ўқувчилари ўртасида "Мен диний экстремизм ва терроризмни қандай тушунаман?" мавзусида иншолар танлови, диний экстремизм ва терроризмга мойиллик даражасини аниқловчи тестлар олиниб, натижага кўра ўқувчилар 4 та:

1. Диний экстремизм ва терроризм ҳақида тушунчага эга эмас.
2. Тушунчалари бор, аммо саёз.
3. Тушунчалари мавжуд.
4. Тушунчалари чуқур ва теран

гуруҳга ажратилди ва ҳар бир гуруҳ хусусиятидан келиб чиқиб, педагогик профилактиканинг шакл, услуб ва воситалари белгилаб олинди.

Тажриба-синов таълим муассасаси сифатида белгиланган Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра ўқувчиларнинг 73,3% и диний экстремизм ва терроризм моҳиятини, унинг салбий оқибатларини, бузғунчи ғоя эканлигини чуқур ва атрофлича билади. 20% ўқувчи бефарқ, улар диний экстремизм ва терроризмга на салбий, на ижобий баҳо беришди. 5,4% ўқувчи диний экстремизм ва терроризм таъсирига тушган оилалардан келаётган болалар эди. Уларнинг жавоблари таҳлили ушбу тоифага алоҳида педагогик тактика билан, эътибор билан, авайлаб ёндашиш зарур эканини кўрсатди. Демак, асосий педагогик профилактик ишнинг онги ва қалбини диний экстремизм ва терроризм жароҳатлаган 5,4% боладан, ундан кейин 20,1% бефарқ ўқувчилар ва соғлом, миллий ғоямиз руҳида тарбияланаётган болаларга қаратилган уч даражасини белгилаб олинди ва амалга оширилди.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактикада ёвуз ғоялар тарғиботи тобора виртуаллашиб, виртуал халифат, "виртуал жиҳод" шакллари юзага келаётганини назарда тутиш лозим. Бундай виртуал жиҳод орқали иккита асосий мақсадга эришиш кўзланган. Биринчиси – мусулмон ёшларга ғоявий ташвиқот ёрдамида таъсир ўтказиш, иккинчиси – мутаассиб кучларга ташкилий ёрдам кўрсатиш.

Биринчи мақсадга эришишга сайтларда жойлаштирилаётган дастурий, тарихий, кўргазмали, мунозарали ва шу каби материаллар хизмат қилади. Ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш учун интернетдан алоқа воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Электрон почта орқали шифрланган йўриқнома, харита, чизма, парол ва шу кабилар узатилади. Интернетда йиғилиш, анжуман ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Эълон ва варақаларда телефон-факсларнинг рақамларига қўшимча равишда турли ислом ташкилотларининг электрон почта манзиллари ҳам келтирилади. Бу эса қарши алоқа ўрнатиш имконини беради. Ғарблик таҳлилчилар ҳозир ҳатто алоҳида турдаги халқаро ислом ташкилоти мавжудлиги, у ўзининг аниқ ташкилий алоқалари билан эмас, балки ахборот муҳити билан ажралиб туриши ҳақида ҳам гапирмоқда.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм мафкурасининг асосий таъсир канали интернет экани ва ўсмирлар медиахавфсизлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, тажриба-синов масканларида “телефон рейди” услуби ишлаб чиқилди ва ҳар ойда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ҳамда психологдан иборат комиссия гуруҳларда жадвал асосида “телефон рейдлари”ни ўтказиб борди. Бунда барча ўқувчиларнинг телефонлари йиғиб олиниб, тажрибали педагоглар билан биргаликда текширилиб, телефондаги маълумотлар ўрганилиб, зарарли сайт ва хаштеглар таъсири тўғрисида медиаогоҳликка чақирувчи жамоавий, гуруҳли ва якка тартибдаги суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактика самарадорлигини оширишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги жуда катта роль ўйнайди. Шу сабабли коллеж бошланғич хотин-қизлар қўмитаси ўсмир қизларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, қизларни соғлом оилага тайёрлаш каби ишларни амалга оширишга тизимли асосда сафарбар қилинди. Ҳозирда коллежда ушбу тизим асосида бир қатор давра суҳбатлари, йиғилиш ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш муҳимки, биз ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш учун, энг аввало, уларнинг қайси йўллар орқали ва нима сабабдан вайронкор оқимлар таъсирига тушишларини аниқлаб олишимиз лозим. Шундан сўнггина ўша сабабларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар белгилашимиз ва ёт ғоялар, хусусан, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши профилактик ишлар режасини тузишимиз мумкин бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардан эса ўқувчиларда медиаогоҳликни кучайтириш, бунинг учун улар орасида медиатаълим ва медиамаданият бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда шу орқали улардаги медиаиммунитетни кучайтириш лозимлиги маълум бўлмоқда.

Демак, ўқувчилар билан турли йўналишдаги оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган хабар ва лавҳалар ҳамда уларнинг инсон онгига таъсирини очиб беришга қаратилган мақсадли, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган, натижадорликка йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб борилиши бу борада ишлар самарадорлигини оширар экан. Бу каби тадбирларни ҳар бир ўқувчи онги ва қалбига етиб боришини таъминлаш мақсадида гуруҳлар кесимидаги махсус режа асосида, мутахассислар билан таъминлаган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 280 б.

2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 235 б.

3. Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. – Т.: Ижтимоий фикр, 2011.- 41 б.

4. Эсанбобоев Ф.Т. Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари тизимига ахборот технологияларини жорий қилиш (олий таълим муассасалари фаолияти мисолида). Пед. фан. номз... дисс. автореферати. –Т., 2011.- 32 б.

5. www.buxoriy.uz(http://www.buxoriy.uz/index.php/maqolalar/83-antiterror/312-mutaassib-guru-lar-faoliyatidagi-uslub-va-ma-sadlar)

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази,
2016 йил 6 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: доц. З.Азимова)